Ўзбекистон Республикаси БУХОРО ВИЛОЯТИ ОЛОТ ТУМАНИ ҲОКИМИ ҚАРОРИ		O'zbekiston Respublikasi BUXORO VILOYATI OLOT TUMANI HOKIMI QARORI

2020 йил "12" март **Олот туман** **175-сон**

Махсус техникалар орқали истеъмолчиларга тоза ичимлик суви етказиб бериш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш" Қоидаларининг 118-банди ва 2015 йил 30 октябрдаги "Сув таъминоти ва канализация ташкилотларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 306-сонли қарорига мувофиқ, истеъмолчиларга махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифларини белгилаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктлар аҳолиси(истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб берилсин.

2. Бухоро вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Олот туман филиали марказлаштирилган коммунал сув тармоғидан таъминлаш имконияти бўлмаган пунктларига махсус автотранспорт ёрдамида ичимлик сувини етказиб берувчи масъул ташкилот қилиб белгилансин.

3. Бухоро вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Олот туман филиали томонидан туман аҳолиси (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериладиган ҳудудлар, ичимлик суви миқдори, муддати ва етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари нархларни тартибга солувчи орган билан келишилган ҳолда иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Бухоро вилоят "Сувоқава" давлат унитар корхонаси Олот туман филиали (Ф.Қурбонов)га:

ичимлик сувини белгиланган тартибда шартнома асосида махсус автотранспорт воситалари орқали ўз вақтида, тўлиқ етказиб берилишини;

истеъмолчиларга етказиб берилган ичимлик суви бўйича ҳисоб-китобларни белгиланган тартибда ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5.Туман ҳокимлиги ахборот матбуот котиби (Э.Қобилов) ва “Олот ҳаёти” газетаси таҳририяти (Ҳ.Бозоров)га мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатни “Олот ҳаёти” газетасида чоп этилиши ҳамда туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига етказилишини ташкиллаштирсин.

6.Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Жумаев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими **Н.Нематова**

Туман ҳокимининг
2020 йил 12 03
175-сонли қарорига
ИЛОВА

Вилоят “Сувоқава” давлат унитар корхонаси Олот туман филиали томонидан туман ҳудудидаги аҳоли (истеъмолчилари)га махсус техникалар орқали тоза ичимлик суви етказиб бериш хизмати учун тўловлар тарифлари

№	Ҳудудномн	Миқдори (тн)	Муддати	Сув олиш нуқтасидан аҳоли пунктигача бўлган ўртача масофа (км)	Ҳудудлар бўйича ҚҚСсиз ўртача тариф		
						сўм/ тн	сўм/ литр
	1	2	3	4		6	7
1	Қиртай	20	Ҳар 10 кунда	147		20.000	20
2	Кўл човдур	20	Ҳар 10 кунда	144		20.000	20
3	Ўзбекистон	20	Ҳар 10 кунда	142		20.000	20
4	Баёт	50	Ҳар 10 кунда	130		20.000	20
5	Қумкашон	20	Ҳар 10 кунда	136		20.000	20
6	Балантмачит	60	Ҳар 10 кунда	146		20.000	20
7	Ғанчи Чандир	10	Ҳар 10 кунда	136		20.000	20
8	Бўрибек Чандир	20	Ҳар 10 кунда	139		20.000	20
9	Денов	50	Ҳар 10 кунда	136		20.000	20

10	Хидрейли	20	Ҳар 10 кунда	140		20.000	20
11	Асажам	10	Ҳар 10 кунда	128		20.000	20
12	Усмоншайх	20	Ҳар 10 кунда	125		20.000	20
13	Нуробод	25	Ҳар 10 кунда	133		20.000	20
14	Пичоқчи	25	Ҳар 10 кунда	138		20.000	20
15	Давлатбой	50	Ҳар 10 кунда	150		20.000	20
16	Буржоқ	10	Ҳар 10 кунда	138		20.000	20
17	Қирлишон	10	Ҳар 10 кунда	150		20.000	20
18	Сайин Қаравул	15	Ҳар 10 кунда	142		20.000	20
19	Дилкор	15	Ҳар 10 кунда	138		20.000	20
20	Хаса бўйи	15	Ҳар 10 кунда	130		20.000	20
21	Опшок	10	Ҳар 10 кунда	135		20.000	20
22	Пахтакор	30	Ҳар 10 кунда	128		20.000	20
23	Эски Олот	20	Ҳар 10 кунда	132		20.000	20